Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 114 (6. 603) 1988 йил 19 май, пайшанба. Баҳоси 3 тийин

XIX

Янгиланиш йўлидан

## Унумдорликни оширайлик

✦ Шаҳримизда меҳнат унумдорлигини оширишга йил бошиданоқ жиддий эътибор қаратила бошланди. Кўпгина корхоналарда ўсиш суръатларида қувончли ўзгаришлар рўй бермоқда.

Лоақал, «Компрессор» заводини олиб кўрайлик. Бу ерда биринчилар қаторида маҳсулотнинг давлат қабули жорий этилган эди. Дастлабига ишлар қийин кўчди. Брак маҳсулотларга чек қўйишнинг ўзи бўлмади. Ҳам меҳнат унумдорлигини, ҳам маҳсулот сифатини ошириш учун қаттиқ кураш олиб борилиши йил бошида бошланган саъйи-ҳаракат ўз самарасини аста-секин бўлса-да кўрсатмоқда. Ўйлаймизки, корхонада жорий этилган хўжалик ҳисоби иш сифати ва суръатига янада сезиларли таъсир кўрсатади.

✦ Собир Раҳимов районидаги чинни заводи, «Тошкент» мармар ишлаб чиқариш бирлашмаси, бош кийимлар фабрикаси ва бошқа корхоналарда ҳам ишлар хўжалик ҳисоби асосида юритилаяпти. Янгиланиш йўлидан бораётган бу корхоналарнинг ҳам албатта озми-кўпми ўз ички муаммолари бор. Ҳамма гап оқиллик билан иш юрита билишда, етилган масалаларни коллектив суратда ҳал этишда қолган.

✦ Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига районда шу ой бошигача 137 ишчи ўз зиммасига конкрет социалистик мажбурият олган эди. Шунингдек, 12 бригада бу ташаббусни коллектив равишда қўллаб-қувватлади. Мақсад — коммунистлар анжуманигача беш йилликнинг уч йиллик планини бажаришдир. Ҳар бир меҳнат коллективи ва пешқадам ишчилар жорий этилаётган янгиликларни кенгроқ ёйиш, бошқаларни ҳам ўз ортларидан эргаштиришга эътиборни қаратишлари зарур.

# Кўнглимдаги гап

## Ҳар биримизга сабоқ бўлсин

БАЪЗАН менга баъзи бир фақат ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлайдиганлар «бўладими — бўлмайдими», «қайта қуриш амалга ошадими — йўқми» деб фол очиб ўтиришгандек туюлади. Улар учун ҳеч нарса ўзгармагани маъқул эди, албатта. Чунки илгари ҳамма бир-бири билан келишиши, тил топишиши мумкин эди. Ҳозир эса ҳамма нарса ўзгариб боряпти. **Айнан ана шулар ошкоралик, демократия сўзларини қурол қилиб олиб ўзларининг асоссиз «ҳуқуқлари»ни ғаламислик йўли билан талаб қилмоқдалар.** Гоҳ уларни хўжалик ҳисоби қаноатлантирмайди, гоҳ ҳақиқат ҳам «меъёрида», ошкоралик эса «маълум чегарада» бўлиши лозим.

Ана шундай ўртоқларга Маяковскийнинг ибораси билан: **«Вақтингиз битди»** деб хитоб қилгинг келади. Аммо энг таажжубли томони шундаки, ўзингга ўзинг ҳам ана шундай деб хитоб қилмоқчи бўласан. Тан олишимиз лозим: баъзан қалбимизда барча тўс-тўполонларни, қайта қуришни бирор панароқ ерга яшириниб ўтказиш, ҳамма нарса ўз ўрнини эгаллаганидан сўнг дастгоҳ ёнига туриб, нималарга қодир эканлигингни кўрсатишдек пасткаш истак яшириниб ётганини ҳис этасан киши. Ана шундай пайтларда ўзингга танбеҳ беришга енгил-елпи йўлларни изламасликка, мураккаб ҳаётимизнинг икир-чикирларигача кириб боришга, юқоридаги ниқобланган шахсларга зарба беришга, умуман вазиятни тўғри ва ҳушёр баҳолашга ҳаракат қиласан. **Қайта қуришнинг тақдири ўз қўлимизда. Давлатимизда ниманки қилинаётган бўлса бизнинг қўлларимиз билан қилинади. Бирор нарса рўёбга чиқмай қолса бунга биринчи навбатда ўзимиз айбдормиз. Шуни ҳар биримиз эътироф этибгина қолмай, камчиликларимизни тугатишга ҳаракат қилишимиз керак.**

О. МАЛИКОВ.

## Қоғозбоз билиб қўйсин

ЯҚИНДА ниҳоят ихтироим ишлаб чиқаришга жорий этилди. Аммо мени табриклашга ошиқманг: бунга қадар у ўн беш йил архив жавонида чанг босиб ётди. Ана шу йиллар мобайнида мен ишланманинг жорий этилишига тўсқинлик қилиб келган нисбатан юқори идорадаги бир бюрократ билан курашиб келдим. У пенсияга чиққанлиги сабабли ниятим амалга ошди. **Мартабаси бор бюрократга қарши курашиш осон эмас. Баъзан ана шундай қоғозбозларнинг нодонлиги ва қайсарлиги туфайли давлатимиз жуда катта зарар кўради. Мана энди ўша бюрократ давлат пенсиясини олаяпти, ҳордиқ чиқараяпти. Қайси хизматлари учун!**

Мен билан содир бўлган воқеани тасодифий ҳол деб ҳисоблайсизми? Ўз ғоясини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун қанчадан қанча вақтини сарфлаган, ихтирочи ва рационализаторлар сон-саноқсиз бўлса керак. **Ваҳоланки, уларга қаршилик қилган кишилар ҳеч қандай жавобгарликка тортилмайди. Бугунги кунда ҳам уларнинг аксарияти оғизда қайта қуриш ҳақида гапиришади-ю, амалда унга тўсқинлик қилишади.**

Мен бунга барҳам бериш керак, деб ҳисоблайман. **Техникага оид янги ғояларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилишига тўсқинлик қилаётганларни тўғридан-тўғри жавобгарликка тортиш керак, деб таклиф киритаман.**

Т. КАРИМОВ,
инженер.

## Беҳуда югуришларга барҳам бериш мумкин

ЁШ БОЛАЛАРИ бўлган деярлик ҳар бир оилада эрта тонг югур-югур билан бошланади. Тезда туриш, кийинтириш, овқатлантириш, болаларни бутун шаҳарни кесиб боғча ёки яслига элтиб қўйиш керак бўлади. Ана шундай «саёҳат»га менинг ҳар куни бир соатдан кўп вақтим кетади. Ваҳоланки, ана шу бир соат мобайнида фарзандим бемалол ухлаши, мен эса уйни йиғиштириб, бирон нарса тайёрлашга улгуришим мумкин эди.

**Болалар боғча ва яслиларига йўлланмаларни алмашиш шаҳар бюросини очиш лозим деб ҳисоблайман.** Чунки кўпинча шундай уйимиз яқинида боғча ёки ясли бўла туриб, биз фарзандимизни шаҳарнинг бошқа чеккасидаги муассасага элтишга мажбур бўламиз. Сабаби, биз сўраган пайтда яқинимиздаги боғча ёки яслида жой бўлмайди. Натижада мутлақо бошқа ердаги боғча-яслига йўлланма беришади. Бундай ҳоллар кам эмас. Оқибатда ана шундай беҳуда югуришларга кўплаб вақтимиз, сиҳат-саломатлигимиз, маблағимиз сарф бўляпти.

В. ИСРОИЛОВА,
ишчи.

# Шахсий фикрим

### «Кўнглимдаги гап», «Тошкент оқшоми», 1988 йил 14 март, 5 апрель

Қаҳрамон она Ҳалима Йўлдошеванинг «Бағритошларга — жазо» мақоласида айтилган гаплар жуда тўғри. Ҳақиқатан виждонли она ўзи пок бўлса, жамият билан бирга ишлаб, бирга турса, ўзининг қадри қимматини англаса ўз жигар бағридан бўлган фарзандини ташлаб кетармиди? Албатта, йўқ! Менимча у биринчидан пок эмас, иккинчидан у ўзининг қадрига ҳам етмайди, жамиятга ҳам фойда келтирмайди. Аксинча, бундай шахслар жамиятимизга иш кўпайтиради. Шунинг учун бундай бағритошлар ўзининг нопоклигидан инсонлик шаънига иснод келтиради.

Ф. ШОКИРОВ,
Улуғ Ватан урушининг II группа инвалиди.

●

«Тошкент оқшоми» газетасининг 14 март сонидаги «Унвон керакми, халқ муҳаббатими?» мақоласини ўқиб, сизларга кўнглимдаги гапларни баён этишга аҳд қилдим. Бу савол газета саҳифасида ўз вақтида берилди. Дили билан тили бир бўлган санъаткоргина эл ичида иззат ва обрў топиб, халқ назарига тушади. Қўшиқ — дил мулки. Буюк Ўзбекистонимизда шундай санъаткорлар борки, улар ўз қўшиқларини юракдан куйлаб инсон қалбига йўл топа оладилар. Ҳақиқатан ҳам 20 йилдан кўпроқ хизмат қилган санъаткорларимиз шу пайтгача «Хизмат кўрсатган артист» унвони билан келяпти. Масалан буни таниқли санъаткоримиз Ортиқ Отажонов мисолида кўришимиз мумкин. У устози йўлидан бориб, ўзбек миллий санъатини нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам тарғиб қилди. Мен Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Муҳамедовнинг сўзларига қўшиламан. Ҳақиқатан ҳам, бу санъаткорга мазкур хизматлари учун «Халқ артисти» унвони берилиши керак. Мен шу фикрнинг тўлиқ тарафдориман. Мен ўзим халқ муҳаббати унвондан устун туради деб ўйлайман. Унвонни лойиқ кишиларга бериш шарт. Мен сизларга юрагим тубида олиб келаётган дардларимни ошкора айтдим. Балким менинг бу сўзларим бошқаларнинг ҳам кўнглидаги гаплардир.

М. АЛИМОВА,
Тошкент.

●

Самимият ҳақида ёзилгани яхши. Инсонларнинг бир-бирига муносабати ҳам айнан ана шу фазилат билан белгиланади. Менинг бир фикрим бор: юксак инсонийликдан далолат берувчи бу сўзнинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи ҳаётий материаллар берилса. Бу материалларга элу юртга хизмати синггган, табаррук инсонларнинг ҳаёт йўли, эътиқодию интилишлари мисол қилиб олинса айни муддао бўларди.

Ф. ХУДОЙҚУЛОВ,
Самарқанд.

●

Менга меҳнат отпускаси ҳақидаги гап маъқул бўлди. Шу ўринда ўзимни таклифимни ҳам айтмоқчиман. Ишчими, ходимми, ким бўлишидан қатъи назар — яхши ишлаган бўлса, коллектив олдида ҳурмат-эътибори жойида бўлса маъмурият меҳнат отпускасига қўшимча тўрт-беш кун қўшиб берса бу ҳам рағбатлантириш сифатида ёмон бўлмасди.

С. ТОЖИДДИНОВ,
Сурхондарё.

●

Мен коммунист эмасман, лекин ўзимни қалбан коммунист деб биламан. Очиғини айтиш керак, кўпгина идораларда коммунистларнинг иши кўринмаяпти. Улар нима иш қилишяпти, нима билан банд, қайта қуришга қандай ҳисса қўшишяпти—билиб бўлмайди. Менимча коммунистлар ҳар ойдами, ҳар икки ойдами ўзларига ҳам, коллективларига ҳам ҳисобот бериб туришлари керак. Кейин коммунистнинг маънавий дунёси деган гаплар бор — буни ҳам унутмаслигимиз керак.

У. ОТАХОНОВ,
Фарғона.

●

Мен газетанинг 5 апрель сонида берилган Д. Саъдуллаевнинг «Бир сўм кассага, тўрт сўм киссага» мақоласини ўқидим. Ўқидиму рост гап, хафа бўлиб кетдим. Мен ҳам таксида ишлайман. Лекин, гапнинг тўғриси ҳалигача бировнинг ҳақига хиёнат қилган эмасман. Очиғини айтадиган бўлсам — ўз ишига нопок муносабатда бўладиганлар қайси соҳани олманг топилади. Мен фақат айтмоқчиманки, бир кишининг айбини умумлаштириб барчанинг нуқсони сифатида кўрсатмаслик керак.

И. ҒИЁСОВ,
такси ҳайдовчиси.

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИДАН

## Чехословакия

⊙ Ҳозирги вақтда мамлакатдаги қарийб 1 миллион квартира турли уй-жой кооперативларига қарашлидир. Чехословакияда кооперативлар йўли билан уй-жойлар қурилиши ҳажмини мунтазам кенгайтириш сиёсати изчиллик билан олиб борилмоқда. Бунга қуйидаги мисолни келтиришнинг ўзи кифоя: ҳозирги саккизинчи беш йиллик мобайнида фойдаланишга топшириладиган барча квартираларнинг қарийб 42 проценти кооперативлар томонидан бунёд этилади.

## Болгария

⊙ Болгария меҳнат коллективлари давлат томонидан уларга фойдаланиш ва бошқариш учун берилаётган социалистик мулкни қабул қилиб олишга киришди.

Энди корхоналар ортиқча ёки фойдаланиш учун яроқсиз ускуналарни, бошқа ишлаб чиқариш фондларини сотиш ҳуқуқига эга. Қурилаётган объектлар қай ҳолда бўлса шу ҳолдалигича меҳнат коллективларига топширилади, шартномаларда эса коллективларнинг ана шу қурилишларни ниҳоясига етказиб, уларни бошқаришга киришишлари юзасидан мажбурият қабул қилишлари кўзда тутилади, деб ёзади «Икономически живот» ҳафтаномаси.

Асосий меҳнат коллективлари билан тузилажак шартномаларда аввалига аниқ муддатлар кўрсатилмайди. Завод томонидан мулкнинг бригадага топширилишида эса аниқ муддат кўрсатилиши лозим. Кутилган натижаларга эришилмаган ҳолларда ёки меҳнат коллективлари келишилган шартларни бузган ҳолларда шартнома бекор қилиниши мумкин.

Материалларни Сирожиддин Саидов, Абдуғани Абдуллаев ва Акмал Акромовлар тайёрлашган.

# ФЕСТИВАЛЬ АРАФАСИДАГИ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Кинолента билан ўралган курраи замин тасвири Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Тошкент халқаро кинофестивалининг анъанавий эмблемасидир, бу фестиваль келгуси ҳафтада уч қитъа экран усталарини ўз байроғи остига тўплайди. Фестиваль «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори остида ўтади. Бу киноанжуман СССР халқлари дўстлиги саройида тантана билан очилади. Кино санъати кўриги ишини 200 га яқин совет ва чет эл журналисти ёритиб туради.

Тошкентда бўлиб ўтган матбуот конференциясида шу ҳақда маълум қилинди. Республика газеталари ва журналлари, телевидение ва радио журналистларининг саволларига кинокўрик бош директори А. О. Тўраев ва матбуот маркази раҳбари Л. П. Қаюмов жавоб бердилар. Фестивалнинг конкурс экранида СССР, Ҳиндистон, Мексика, Бразилия, Миср, Япония ва бошқа мамлакатларнинг 17 картинаси кўрсатилиши таъкидланди. Ўзбек режиссёри М. Абзаловнинг «Армон» лентаси ҳам конкурс программасида иштирок этади. Ахборот тариқасида 200 дан кўпроқ фильм намойиш этилади. Кино санъати кўриги программасига кўра симпозиум уюштирилиб, унда термоядро уруши хавфига қарши, инсониятнинг ёрқин келажаги учун курашда кинематографиянинг юксак роли ҳақида гап боради. Биринчи марта кинематографиячиларнинг профессионал клуби (ПРОК) ишлай бошлайди. Анъанага кўра, Киночилар уйида кино бозори очилади, турли мамлакатлар фирмалари вакилларининг учрашувлари ва музокаралари бўлади. Меҳмонлар Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишиш, музейлар, театрлар концерт залларига бориш имкониятига эга бўладилар.

(ЎзТАГ).

# ЗАМОНДОШИМИЗ



## Уста

Айтишларича, овчининг тушига ҳали юрмаган сўқмоқлари кирармиш. Меъморнинг тушида эса, ишлаган нақшлари тилга кирармиш. Балки бу афсонадир: нақшлар устага камчиликларини бирма-бир айтармиш... Уста ўз нақшларига ўзи термулиб қолиши ҳам шундан бўлса керак.

Она шаҳримизни кезиб юрган кишининг турли биноларни кўриб кўзи қувнайди. Улардаги бўёқлар, нақшлар, ганчга ўйиб ишланган бир-биридан нафис гуллар...

Муҳташам санъат даргоҳи — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрининг интерьеридан кўз ололмайди киши. Ҳар бир шаклнинг ўзи бир достон, ҳар тарихнинг таърифини бир шоир битиб адо қилолмайди. Уларнинг ҳаммаси одам қўли билан бунёд бўлган. Уларнинг ҳаммасига устанинг орзулари, армонлари омухта.

Қадимда халқ усталарини ардоқлаб, севишган. Бир маҳалладаги уста шу ерлик хонадонларнинг фахри бўлган.

Яна шуниси ҳам бор. Ўтмишда ўз илмини мерос қилиб шогирдига қолдириб кетмаган, яна ҳам аниқроғи, шогирдлар етиштирмаган устани ҳақиқий устоз ҳисоблашмаган.

Бу борада «Главташкентстрой»га қарашли 12-махсус ҳунар-техника билим юрти ганч-ўймакорлик ўқитувчиси Олимжон Одиловни чинакам устоз деб атасак арзийди.

Халқимизнинг бу асрий санъати билан шуғулланувчиларнинг кейинги йилларда камайиб кетаётганлиги сир эмас. Бунга ҳунарнинг сермашаққатлиги, бунинг устига малакали халқ усталарининг саноқли эканлиги сабаб бўлиши мумкин. Ахир Ширин Муродов, Маҳмуд Усмонов сингари усталар қатори тўлса, қандай яхши!

Билим юртида ана шу эзгу мақсад йўлида бир неча йил аввал ганч-ўймакорлик курси очилди. Яна шуниси ҳам борки, билим юрти шаҳримиздаги ганч-ўймакорлик усталари тайёрлайдиган ягона маскан ҳисобланади. Халқимизнинг бу ноёб ҳунарини бу ерда етмишга яқин ўқувчилар қунт билан ўрганишяпти.

Бир пайтлари Олимжон Одиловнинг ўзи ҳам шогирд эди. Устозининг мўъжиза яратаётган қўлларидан кўзини олмасди. Бугун эса унинг ўзини «уста» деб ҳурмат қилишади.

Олимжон ёш бўлса ҳам, кўпларга бош бўладиган уста. Унинг раҳбарлигида бўлажак наққошлар кўпгина объектларни безадилар.

Олимжон Одиловнинг меҳнатлари муносиб тақдирланиб келяпти. У 1986 йилда СССР ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг мукофотига сазовор бўлган эди. Ўтган йили эса Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг бронза медалини олишга мушарраф бўлди. Шуларнинг ўзиёқ устанинг иқтидоридан сўзлаб турибди.

Йиллар ўтади. Билим юртини тугатган усталар қалдирғоч мисол ҳар тарафга йўл оладилар. Уларнинг қўли билан яралган ажойиб санъат асарлари кўплаб биноларни безайди. Ҳар бир гул, ҳар бир тарих, ўз усталари ҳақида йиллар оша сўзлайверади. Янги усталар дунёга келаверади.

Аслида, умрнинг нури шу эмасми?

Т. ЙЎЛДОШЕВ.

СУРАТДА: уста-муаллим Олимжон Одилов.
Т. Каримов фотоси.

# Тонгги газеталарда

18 май куни совет интернационалчи-жангчиларининг биринчи колоннаси Термизга келганлиги ҳақида батафсил ҳисобот эълон қилинган.

19 май—В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилоти туғилган кун

## Муносиб ворислар

Куни-кеча республикамизда пионерлар ташаббуси билан бошланган хайрли иш — «Қизил карвон» операцияси ниҳоясига етди. Минглаб тонна металлом ва макулатура корхоналарга қайта ишлашга топширилди. Байрам арафасида Тошкентдаги қоғоз ва Бекободдаги маталлургия комбинатларида иккиламчи хом ашёлар қайта ишланиб, республика халқ хўжалигига тайёр маҳсулот қилиб жўнатилди.

Ўтган йили мамлакат пионерларининг севимли оромгоҳи — «Артекда» бўлиб ўтган Бутуниттифоқ слёти мактаб ўқувчилари олдига қатор шарафли вазифаларни қўйди. Ўзбекистоннинг икки миллион юз минг пионери ана шу вазифаларни ўқишда ва жамоат ишларида амалга ошириш билан бирга қайта қуриш ишида фаол қатнашмоқда.

Биргина Тошкент шаҳри мактабларининг ўқувчилари кейинги пайтларда кўпгина хайрли ишларни амалга оширмоқдалар. Улар металлом ва макулатура тўплаш бўйича Бутуниттифоқ мусобақасида сурункасига уч йилдан буён совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Биргина ўтган йили Тошкент пионерлари тўплаган металлдан пойтахт метросининг янги поездларидан бири бунёд этилди. У «Тошкент комсомоли» деб аталади. Бу поезд йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишда қулай восита бўлди.

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилоти туғилган кун тадбирларида қатнашиш учун Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳарларидан аълочи ўқувчилар Тошкентга етиб келдилар. Улар бугун эрталаб шаҳримиздаги тенгдошлари билан биргаликда В. И. Ленин майдонига бориб доҳий ҳайкалига гуллар ва номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйдилар. Шундан кейин улар Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғига йўл олдилар. Бу ерда катта байрам тантаналари бошланди.

Байрам кунида В. И. Ленин номидаги республика пионерлар саройи ҳам ғоятда гавжум бўлди. Бу ерда пионерларнинг катта даврада учрашуви ўтказилиб, унинг қатнашчилари коммунистларнинг ҳикояларини тингладилар. Бундан ташқари шаҳримиздаги барча маданият ва истироҳат боғларида ҳам бахтиёр авлод шарафига сайллар ўтказилмоқда.

Кечқурун Алишер Навоий номидаги академик катта театр биносида болалар бадиий ҳаваскорлик ансамбллари иштирокида катта байрам концерти намойиш қилинади.



